

ШАҲРИСАБЗНИНГ ТАРИХИЙ БОЗОРЛАРИ ВА САВДО-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Бобожонов Бехруз Баходир ўғли

Шаҳрисабз давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан Бухоро хонлигининг муҳим савдо маркази бўлганлиги билан Шаҳрисабз алоҳида аҳамиятга эга эди. Бутун қўшни туман ўз бозорига, жумладан, ҳунармандчилик ривожланган Китоб шаҳри аҳолиси ҳам ўз маҳсулотларини, асосан, Шаҳрисабз бозори орқали сотар эди. Бу ердан тоғли ҳудудлар аҳолиси, шунингдек, Самарқанд, Ургут ва Бухоро билан савдо-сотиқ олиб борилган.

Калит сўзлар: Бозор, савдо сотиқ, КАТЕ, Шаҳрисабз Афросиёби, Регистон, Чорсу, чаҳарбозор, Кунчиқар, Чармгар, Кушхона, Кундузак.

АННОТАЦИЯ

В политическом и экономическом отношении Шахрисабз имел особое значение, так как был важным торговым центром Бухарского ханства. Весь соседний район сбывал свою продукцию на свой рынок, в том числе жители города Китаб, где были развиты ремесла, в основном через рынок Шахрисабза. Отсюда велась торговля с жителями горных районов, а также с Самаркандом, Ургутом и Бухарой.

Ключевые слова: Рынок, торговля, КАТЕ, Шахрисабз Афросиоби, Регистан, Чорсу, Чахарбазар, Кунчиқар, Чармгар, Кушхана, Кундузак.

ABSTRACT

Politically and economically, Shahrisabz was of special importance as it was an important trade center of Bukhara Khanate. The entire neighboring district sold their products to its market, including the people of Kitab city, where handicrafts were developed, mainly through the Shahrisabz market. From here, trade was conducted with the inhabitants of mountainous regions, as well as with Samarkand, Urgut and Bukhara.

Key words: Market, trade, KATE, Shahrisabz Afrosiyobi, Registan, Chorsu, Chaharbazar, Kunchiqar, Charmgar, Kushkhana, Kunduzak.

КИРИШ

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, IX-X асрларда Ўрта Осиё шаҳарларида бозор иқтисодий ихтисослашиб профессионал машғулотга айланган ва XV асрнинг охири XVI асрлар орасида янада ривожланган.

Авволо шуни таъкидлаш жоизки, ўзбекларда бозорга бориб савдо-сотик қилишни «бозор-ўчар қилиш» дейилади. Хуш шу ўринда савол туғилади; бозор дегани савдо қилинадиган жой эканлиги маълум, лекин учар дегани қандай маънони англатади? Бозор сўзининг эроний тиллардаги қадимий шакли вазар, илк даврларда вачар, вацал, суғдий текстларда вацар бўлган бўлиб, маъноси-бозор, савдо қиладиган жой [1]. Ўзбек тилида бозор-ўчар жуфт сўз, синоним ва бир ўзакдан ҳосил бўлган. Учар вачар сўзининг адаптация шакли, суғд тилидан ўзгартириб қабул қилинган, вачар қадимий эроний тиллардан форс-тожик тилига бозор шаклида ўтган. Демак, ўзаро алоқалар маркази бўлган бозор сўзининг ясалишида турли халқларнинг ўзаро маданий алоқалари акс этган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўрта Осиё шаҳарсозлик маданиятининг қадимдан ривожланган вилоятларидан бири бўлган Қашқадарё воҳаси савдо-иқтисодий муносабатлари Расторгуева В.С., Молчанова Е.К., Агзамова Г., Мукминова Р., А. Сагдуллаев, П. Равшанов, Кораев С., Бобожонов Бехруз, Сухарева О.А. тадқиқотларида таҳлил қилинган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот методлари: манбашунослик, тарихий-қийёсий, матншунослик.

Таҳлил ва натижалар. Шаҳарларнинг йирик савдо марказларига айланишида савдо-сотик бўладиган ерлар-бозорларнинг аҳамияти беқиёс эди. Одатда шаҳарларнинг мавжудлигини кўрсатувчи белгилардан бири бозорларга доимо алоҳида аҳамият берилган. Бозорларнинг катта-кичиклиги, бойлиги ва бошқа жиҳатлари шаҳарларнинг мамлакатда тутган ўрни ва сиёсий вазият билан чамбарчас боглиқ бўлган[2]. Агар мамлакатда иқтисодий таназзул кечаётган бўлса бозорларнинг аҳволи оғирлашган, аксинча бўлса бозорлар гуллаб яшнаганлигини кузатиш мумкин.

Шарқ бозорлари Ғарб дунёсидаги савдо манзилларидан кўплаб ўзига хос хусусиятлари билан ажраб турган. Жумладан, Ўрта Осиё шаҳарларида шаҳарнинг маркази, яъни юраги бозорлар ҳисобланган ва айнан шу боис ҳукмдор саройи ёки қасри эмас балки айнан бозорларгина кўплаб Шарқ шаҳарларининг топографик маркази бўлган. Шунингдек Ўрта Осиё шаҳарларида жамиятнинг турли вакиллари: мансабдор шахслар, ҳунармандлар, савдогарлар, зиёлилар ва бошқалар билан бир қаторда йирик ер эгалари ҳам яшар эди. Бу эса бевосита Ўрта Осиё шаҳарлари тарихий тараққиётининг айрим даврларида Ғарбий Европа шаҳарларидан ажратиб турувчи хусусиятларидан биридир[3].

Шаҳар аҳолисининг асосий қисми ҳунармандчилик ва савдо сотик билан машғул бўлган. Бу ерда кўнчилик, кулолчилик, тўқимачилик, тикувчилик,

каштачилик, зардўзлик, темирчилик, дегрезлик, мисгарлик, заргарлик ва бошқа ҳунармандчилик турлари ривож топган. Шаҳрисабз илк ўрта асрларда Китоб шаҳри ўрнида жойлашган. КАТЕ келтирган маълумотлар, хусусан, Ш. С. Камолиддинов ёзишича, вақт ўтиши билан шаҳар маркази ҳозирги Шаҳрисабз атрофига кўчган.[4] Жумладан, эски шаҳар ташқарисида янги иншоотлар қурилган бўлиб, шаҳар ҳукмдори саройи ва бозор ҳам шу ерда жойлашган. Кейинчалик шаҳарнинг мудофаа девори билан ўраб олинishi ва мустаҳкамланиши Амир Темур фаолияти билан боғлиқ. Аммо XVII асрнинг иккинчи яримида келиб иқтисодий инқироз сабабли Шаҳрисабз ҳам оғир аҳволда қолган. Бу ҳол XIX аср бошларигача давом этган[5].

Шаҳрисабз шаҳри ҳам уч қисм–ўртақўрғон, қалъа ва рабоддан иборат бўлган. Бек қўрғони шаҳарнинг шимоли – шарқий бурчагида жойлашган ҳамда у халқ орасида Шаҳрисабз Афросиёби номи билан аталган. Қўрғоннинг иккита дарвозаси бўлиб, Шарқий дарвоза Тўпхона, жанубий дарвоза Кўк дарвоза деб номланган. Қўрғон олдида шаҳарнинг асосий майдони–Регистон жойлашган. Шаҳар марказида жойлашган айланма гумбазли Чорсудан шаҳарнинг тўрт томонига кўчалар кетган ва бу кўчалар орқали шаҳар дарвозаларига боришган[6]. Шаҳарни ташқи муҳитдан ажратиш турувчи қалъа деворининг 6 та дарвозаси бўлган. Шимолий дарвоза – Китоб, шарқий дарвоза–Кунчиқар, ғарбий дарвоза – Кушхона, жанубий дарвоза–Чармгар деб аталган. Бундан ташқари, жануби-шарқий бурчакда иккинчи даражали Қалмиқ дарвоза ва Симхона дарвозалари ҳам мавжуд бўлган. Шаҳарда 7 та карвонсарой ва 2 та ҳаммом бор эди.

Шаҳар гузарларга бўлинган ва ҳар бир гузар ўз масжидига эга бўлган. А.Л.Кун[7] келтирган маълумотларга кўра, XIX асрнинг иккинчи ярмида шаҳарда 14 та гузар мавжуд эди, XX аср бошига келиб эса гузарларнинг сони 53 тага етган.

Шаҳар аҳолисининг асосий қисми ҳунармандчилик ва савдо сотиқ билан машғул бўлган. Бу ерда кўнчилик, кулолчилик, тўқимачилик, тикувчилик, каштачилик, зардўзлик, темирчилик, дегрезлик, мисгарлик, заргарлик ва бошқа ҳунармандчилик турлари ривож топган.

Шаҳар аҳлининг яна бир қисми ҳунармандчилик буюмлари савдоси билан шуғулланган. Улар Шаҳрисабз бозорларида ўзларининг алоҳида расталарига эга бўлишган. Йирик савдогарлар шаҳарлараро савдо-сотиқ билан шуғулланган. Жумладан Шаҳрисабз беги ҳам савдо учун махсус маблағ сақлаган. Савдогарларнинг асосий қисми шаҳар бозорларига яқин гузарларида истиқомат қилишган. Шаҳрисабзнинг марказий бозори Чорсу бек ўрдасидан жанубда

жойлашган. XV асрнинг охири - XVI аср бошларида бунёд этилган ушбу Чорсу бозори ҳозиргача яхши сақланиб қолган. Унинг вужудга келишини XV аср охири XVI аср бошларига мансуб деб ҳисоблайдилар. Чорсу тими XVIII асрнинг 80-йилларига оид, Ниёзбек номи билан боғлиқ, қабилидаги қарашлар ҳам манжуд. Ёдгорлик 1598-1602 йил санаси билан рўйхатга олинган.

Ўрта Осиё бозорлари қурилиши жиҳатидан бир қанча умумий хусусиятларга эга бўлган. Одатда бозорлар одамлар гавжум бўладиган шаҳарнинг марказий қисмида катта кўчалар кесишган ерларда ва кўчалар бўйлаб вужудга келган. Йирик шаҳарларда тижорий ишлаб чиқаришни ўзида акс эттирадиган битта асосий бозор бўлган. Бундай бозор кўпинча асосий кўчалар кесишадиган жойларда ўрнашган бўлиб, «чорсу», «чоҳарсу» деб юритиларди. “Чорсу” сўзи дастлаб зардуштийларнинг муқаддас Авесто китобида *човрусук* (тўрт томонлама) шаклида учрайди ва “бозор” маъносини англатган. Кейинчалик бу сўз *чаҳарсу* ва ниҳоят *чорсу* шаклини олган[8]. Чорсулар асосан усти ёпик гумбазли бозорлар бўлиб уларнинг майда остки бўлимларда маълум моллар сотилар эди. Бундан ташқари, форс тилида ёзилган манбаларда *чаҳарбозор* (чорбозор) деган сўз ҳам учрайди. Ўрта Осиёда қадимдан Чорсу билан бирга раста деб юритиладиган махсус жойлар, ҳамда *тим* ва *ток* деб аталадиган кубба кўринишидаги бозорлар ҳам бўлган.

Тим сўзи жуда қадимий сўз бўлиб, бир неча маъноларни англатган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида усти ёпик бозор ёки раста томи *тим* дейилади, бозор қоровули тимбон дейилган. Араблар келмасдан илгари Ўрта Осиёда *Тим* деганда ҳар қандай бозор тушинилган ва бу сўзнинг “бозор” маъноси сўнгги вақтларгача сақланиб қолган. *Тим* сўзи Тожикистоннинг Муғ тоғидан топилган қадимги (VIII-аср) суғд ёзувларида ва араб тилида ёзилган манбаларда учрайди. Суғд тилида ҳам *Тим* “дўкон”, “савдо биноси” маъноларини англатган.

Тимлар архитектура жиҳатдан узунчоқроқ шаклда, ғиштдан қурилган бўлиб, усти ёпик савдо иншоотини ташкил қилган. Унда турли расталар жойлашган.

Шаҳарда ҳар куни савдо бўладиган ушбу бозордан ташқари бир қанча майда бозорлар мавжуд бўлган. Жумладан, шаҳарнинг ғарбий қисмида жойлашган сомон бозорида чорва моллари савдоси олиб борилган. Шаҳарда ҳунармандчилик гузарлари, бозорлар, карвонсаройлар, билан биргаликда кўплаб масжид, мадрасалар, ҳаммом ва бошқа жамоатчилик бинолари ҳам қад кутарган. Умуман Шаҳрисабз шаҳри нафақат ҳунармандчилик балки йирик савдо маданий марказ ҳам эди[9].

1875 йилда "Туркистон хабарлари" газетасининг муҳаррири Н.А.Маев Шаҳрисабз ташрифи ҳақида, бек ўрдаси яқинида, қаъла девори қаршисидаги кенг майдондан одамлар билан лик тўла бозор бошланиб кетганлигини қайд этади[10]. Уни маҳаллий амлоқдорлар шаҳар бозори ва бутун шаҳар бўйлаб олиб юришганини хотирлайди. Бундан ташқари Чорсу бозорида кундуз кунлари савдо-сотик бўлса, кечалари ўйинчи болаларнинг томоша кўрсатишлигига эътибор қаратади.

Шаҳрисабз воҳасида жуда қадимдан хунармандчилик марказлари ривожланган бўлиб, улар асосан маълум бир соҳа билан боғлиқ бўлган гузарларга бўлинган.

Шаҳрисабзда бир-бирига боғлиқ хунармандчилик турлари билан шуғулланувчи аҳоли ёнма-ён гузарларда яшаганини кузатиш мумкин. Масалан, Шаҳрисабзда кўнчилик билан боғлиқ бўлган совунгарлик ва елимгарлик билан шуғулланувчи аҳоли шаҳарнинг жанубий шарқида жойлашган Катта чармгар, Кичик чармгар, Мешгар ҳамда Ёйилма гузарларида яшаган. Шунингдек пойабзал тикиш билан шуғулланувчи хунармандлар хусусан ковушдўзлар, Наматон гузарида, юқорида табақа аҳли учун яшил теридан нозик ва юқори сифатли ковуш тикувчилар Китоб гузари, Этикдўзлар, Хўжа Мирҳамид, Қалқон гузарида, Чуйтон гузарида, Яхдондўзлар ва қамчиндўзлар Кундузак гузарида совунгарлар, Телпакдўз гузарида телпакдўзлар ва пўсиндўзлар, Қассоблик гузарида қассоблар кўпчиликти ташкил этган. Читгарлар Раис гузарида, кулолчилик ва Ҳазрати шайх гузарида асосан кулоллар яшаб , кулоллик гузарининг бир қисми чархчилик деб номланган. Бу ерда темирчилар яшаган. Шаҳрисабз дегрезлари асосан Дегрез ва Чуйи хайтак гузарида мисгарлар Ҳовузи Мардон заргарлар эса Балаховуз, Ҳовузи Мардон ҳамда Кундузак гузарларида истиқомат қилганлар[11].

Шарқ бозорларининг топографик жиҳатдан жойлашиши диққатга сазовордир. Шаҳарнинг марказий қисмида асосан заргарлар, саррофлар, темирчилар, турли кийим-кечаклар билан савдо қилувчи ва бошқа кўпгина бозорлар жойлашган бўлса, қишлоқ хўжалиги ва чорва бозорлари шаҳарнинг четида ёки унинг ташқарисида жойлашган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки баъзида чорва бозори сотилаётган хайвон турига қараб «от бозор», «қўй бозор», «мол бозорга бўлинган. Бу бозорлар атрофида ўз навбатида чорва учун зарур бўлган пичан ва еб-хашак бозорлари бўлган. Биз бундай манзарани, Шаҳрисабз бозорларининг кўринишида ҳам кузатишимиз мумкин. Жумладан, Шаҳрисабзда ҳам Сомон бозори шаҳарнинг чекка қисмида ёки мол бозори шаҳардан ташқарида жойлашган бўлган. Бозорлар нафақат шаҳарлардаги,

балки унинг атрофидаги иқтисодий ҳаётнинг ривожланишига ҳам ижодий туртки бўлган. Шаҳар атрофи ва қишлоқларда етиштирилган маҳсулотлар- пахта, зигир, галла, шоли, тамаки, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа кўпгина бошқа маҳсулот турларига шаҳарларда талаб катта бўлган. Бу маҳсулотлар шаҳар маҳсулотларнинг айримлари шаҳар ҳунармандлари учун хом-ашё ҳисобланган. Бу эса кўплаб ҳунар турларининг, хусусан, қишлоқ эҳтиёжларини қондиришга ихтисослашган соҳаларнинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатган. Шу тариқа, шаҳар иқтисодиётининг етакчи соҳаси- ҳунармандчилик билан қишлоқлар ўртасида вужудга келган ўзаро алоқадорлик бир томондан, қишлоқлардаги иқтисодий тараққиётни, иккинчи томондан эса шаҳар хўжалигини шу жумладан шаҳар бозорларининг ривожланишида асосий омил бўлган. Шаҳрисабзнинг савдо аҳамияти шаҳар аҳолисида савдогарларнинг салмоқли қатламининг ривожланишига ёрдам берди. Шаҳрисабз бозорининг кенг қаторларида маълум товарлар савдосига ихтисослашган кўплаб майда савдогарлар бўлган. Бошқа шаҳарлар билан савдо қилувчи йирик савдогарлар кўп бўлган. Улар орасида, айниқса, шу мақсадда туя боқадиган Шаҳрисабз беклиги ҳам бўлиб, туялар шу сабабдан Шутурхонни қабул қилган кварталдаги чўлга жойлаштирилган[12].

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса килиб айтиш мумкинки, Шаҳрисабзда энг қадимги даврлардан бошлаб маҳаллий аҳоли томонидан яратилган ва қолаверса бошқа юртлардан олиб келинган турли-туман маҳсулотларни сотиш, ички ва ташқи савдо ҳамда савдо иқтисодий иншоот-бозор, дукон, карвонсаройлар тизими ривожланишига олиб келган. Ўз навбатида эса бозорлар ва савдо алоқалари урбанизацион жараёнларда доимо муҳим мавқега ва ўринга эга бўлган.

REFERENCES

1. Расторгуева В.С., Молчанова Е.К. Среднеперсидский язык// Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки М., 1081. С. 55
2. Агзамова Г. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо., 2000. 39-бет.
3. Мукминова Р. Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана в X-XVII вв. Ташкент, 1985. С. 130
4. А. Сагдуллаев ва бошқалар. Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. - Т.: 1998 .
5. П. Равшанов. Нахшаб ва Кеш тарихи манбалари. Қарши 2005
6. Равшанов П. Хушвақов Н. Қашқадарё тарихига Саёҳат. Тошкент, 2020.

7. Подробно об этом см. А. К у н. Очерки Шахрисябзского бекства, СПб, 1880, отдельный оттиск из ЗИРГО по отделению этнографии, т. 6
8. Кораев С. Географик номлар маъноси. Тошкент, 1978. 150-бет.
9. Бобожонов Бехруз Баходир ўғли. Кеш–Шахрисабз воҳасининг тарихий гузарлари. ҚарДУ хабарлари. 2022.
10. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. Т., АНУзССР.
11. Н.А.Маев. Бухоро хонлиги очерклари. 2012. 24-бет
12. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. Т., АНУзССР.
13. Омонов Б.Н. Геоэкологическая политика Узбекистана в регионе Приаралья. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=4rzyX0YAAAAAJ&citation_for_view=4rzyX0YAAAAAJ:IjCSPb-OGc4C
14. Омонов, Б. Н. (2023). ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА СУДЬБЫ ЧЕЛОВЕЧЕСТВА. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(4), 755-763.
15. Khudoykulov, T. D. (2020). HISTORICAL IMPORTANCE OF LOCAL SOURCES IN THE STUDY OF KOKAND KHANATE. *Theoretical & Applied Science*, (1), 726-728.
16. Худойкулов, Т. Д. (2021). ХИВА ИНОҚЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ. МАНСАБ ВА УНВОНЛАР. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, (SI-3).
17. Худойкулов, Т. Д. (2021). ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ ҲАҚИДА АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, (SI-3).
18. ХУДОЙҚУЛОВ, Т. Д. (2021). ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТАРИХИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ. In *Uzbek Conference Publishing Hub* (Vol. 1, No. 01, pp. 440-443).
19. Xudoyqulov, T. D. (2009). XIX asrda Qo'qon xonligining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy va madaniy hayoti: Tarix fan. nomz... diss. *TO 'z MU*.
20. Nurillaevich, O. B., Aralovna, O. G., Shavkatovich, N. K., Khurramovich, M. Y., & Aralovich, O. B. (2022). Factors Of The Formation Of Ecological Culture In The Education And Training System. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 984-989.
21. Ochilova, G. A. (2020). Philosophical analysis of the development of social consciousness. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*” *PJAE*, 17(7).
22. Nurillaevich, O. B., Aralovna, O. G., Shavkatovich, N. K., Khurramovich, M. Y., & Aralovich, O. B. (2022). Factors Of The Formation Of Ecological Culture In The

Education And Training System. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 984-989.

23. Очилова Г.А., Жумаева Ш.С., Очилов Б.А. Жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожда миллий давлатчилик тафаккурини шакллантириш зарурияти: усул ва воситалари. Халқаро ислом академияси. Илмий таҳлил журнали. Тошкент. 2019 й. 44-бет.

24. Очилова, Г. А., Очилов, Б. А., & Аралов, М. Б. (2021). ГАРМОНИЗАЦИЯ ИНТЕРЕСОВ НАРОДОВ ЯВЛЯЕТСЯ ВАЖНЫМ ФАКТОРОМ РАЗВИТИЯ МЫШЛЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (2-9), 43-47.

25. Очилова, Г. А., & Омонов, Б. Н. (2020). Ижтимоий фалсафа. *Toshkent: Voris-nashriyot*.